

Сизлар жаннат аҳлларининг...

09:35 / 05.06.2018 3423

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Биз қирққа яқин киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга қапада эдик. Шунда у зот: **«Сизлар жаннат аҳлларининг тўртдан бири бўлишга розимисизлар?»** дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Яна у зот: **«Сизлар жаннат аҳлларининг учдан бири бўлишга розимисизлар?»** дегандилар, биз: «Ҳа», дедик. Яна у зот: **«Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар жаннат аҳлининг ярми бўлишингизга умид қиламан. Бу жаннатга мусулмон шахсларгина киришади. Сизлар мушриклар орасида қора рангли ҳўкиз терисидаги бир дона оқ тукдек ёки қизил рангли ҳўкиз терисидаги бир дона қора тукдек (озчилик)сиз»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.